

А Ж Р И М

2022 йил февраль ойининг 23 кунини, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар ўз биносида, очиқ суд мажлисини ўтказиб,

раислик қилувчи Ш.Ю.Юлдашев, судья ёрдамчиси Ю.Бобоярованинг котиблигида, тарафлардан Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М.Боқиев, даъвогар Дж.Рашидов, жавобгар Сурхондарё вилоят Молия бошқармаси вакили Т.Газитдиновнинг иштирокида, даъвогар Дж.Рашидовнинг жавобгар Сурхондарё вилоят Молия бошқармасига нисбатан мулкӣ зиён ҳамда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво юзасидан юритилган 1-1901-544/2014-сонли материални кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Даъвогар Дж.Рашидов жавобгар Сурхондарё вилоят Молия бошқармасига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, асоссиз ҳукм қилинганлигини билдириб, мулкӣ зиённи ҳамда маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Дж.Рашидов қонунга қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар, шунингдек, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талабидан воз кечиб, аризасини оқибатсиз қолиришни, кейинчалик судга асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда қайта мурожаат этишини маълум қилиб, ҳозирда ушбу ишни кўрмасдан қолдиришни сўраб, бу ҳақда судга ёзма равишда ариза билан билан мурожаат қилди.

Даъвогарнинг даъводан воз кечиш ҳолати бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаслигидан ташқари, даъводан воз кечиш қонунга хилоф эмас.

Ўзбекистон Респубилкаси Фуқаролик процессуал Кодекси 122-моддаси 1-қисмининг 9-бандида, даъвогар томонидан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ариза берилган бўлса, суд аризани кўрмасдан қолдириши, 53-моддаси 2-қисмида, Давлат органи, ташкилот ва бошқа шахс томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тақдим этилган даъво аризасидан (аризадан) даъвогарнинг (аризачининг) воз кечиши, агар бу учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилмаса, даъво аризасини (аризани) кўрмасдан қолдиришга олиб келиши белгиланган.

Суд юқоридаги Қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвогар Дж.Рашидовнинг даъвосидан воз кечиш ҳақидаги аризасини инобатга олиб, ушбу воз кечишни қабул қилади ва аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топади.



Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 423-моддаси ҳамда ФПКнинг 122-моддаси 1-қисмининг 9-бандига асосланиб, суд

а ж р и м қ и л а д и :

Даъвогар Рашидов Джамол Каюмовичнинг реабилитация қилинганлиги муносабати билан жавобгар Сурхондарё вилоят Молия бошқармасига нисбатан мулкый зиён ҳамда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан юритилган иш даъвогар даъво талабидан воз кечганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, ўн сутка ичида, даъвогар, жавобгар вакили эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судига кассация тартибида шикоят ва прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Ш.Юлдашев

